O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 23 февраль, № 37 (3836) Пайшанба



ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

Мустақиллик ва эзгулик монументи пойидаги ўйлар

Пойтахтимиз жамоли ойдан-ойга, йилдан-йилга кўркам қиёфа касб этиб бораётганлигини нафақат ўзимиз, балки бизга хайрихоҳ дўсту биродарларимиз ҳам эътироф этишмоқда.

Президентимиз ташаббуси ва бевосита иштирокида қайтадан яратилган Мустақиллик майдони Тошкентимизнинг улкан меъморий ансамблига уйғунлашиб кетган ажиб иншоотлар сирасига киради. **«Мустақиллик майдони**, — деган эди Юртбошимиз, — **ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз, тилагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоён этсин».**

3-бетга қаранг

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Парламентнинг юқори палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги бешинчи ялпи мажлисига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Сенат қўмиталарида бешинчи ялпи мажлиснинг кун тартибига киритиш мўлжалланаётган масалалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чора-тадбирлари, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар муҳокама қилинмоқда.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг мажлисида сенаторлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган ҳамда бу йўналишдаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этадиган бир қанча қонунларни қараб чиқдилар. Улар орасида истеъмол кредити берувчи ташкилотлар билан ўз фаолияти натижаларидан даромадга эга бўлган жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишни назарда тутувчи "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бор. "Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг мавжуд тизимини такомиллаштиришга қаратилган. "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун тадбиркорлик субъектлари учун янада яхшироқ шароит яратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ижобий таъсир этади. Мажлисда, шунингдек, "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунлар ҳам муҳокама этилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ўз мажлисида "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилди. Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлиси томонидан рад этилган мазкур Қонун юзасидан юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида парламент ҳар иккала палатаси аъзоларидан тенглик асосида келишув комиссияси тузилган бўлиб, комиссия Қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқди, бу матн мамлакат қонунчилиги ҳамда ҳуқуқнинг қўлланиш амалиётига мувофиқ келади.

Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг мажлисида "Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисидаги Баённомани ратификация қилиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида"ги ҳамда бошқа қонунлар кўриб чиқилди.

Мазкур қонунларнинг муҳокамаси якунлари асосида қўмиталар томонидан қабул қилинган хулосаларда ана шу қонунларни бешинчи ялпи мажлиснинг кун тартибига киритиш ҳақида Сенат Кенгаши кўриб чиқиши учун таклиф тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг ҳам мажлиси бўлиб ўтди. Унда бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш мўлжалланаётган масалалар муҳокама қилинди ҳамда қўмитанинг 2005 йилдаги фаолияти якунлари таҳлил этилди.

Қўмиталарнинг мажлисларида сенаторларнинг ўтган даврдаги фаолиятига ва Сенат қўмиталарининг 2006 йилги тадбирлари режаларига тааллуқли масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Қўмита аъзолари муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Шу йилнинг 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда белгиланган асосий вазифалар ижроси юзасидан марказ ва жойларда фаоллар йиғилишлари давом этмоқда.

ТОШКЕНТ

Шаҳар фаоллари йиғилишида пойтахтимизнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари муҳокама этилиб, Президент Ислом Каримовнинг яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Уни шаҳар ҳокими А.Тўхтаев бошқарди.

Йиғилишда 2005 йилда пойтахтимизда ҳудудий ички маҳсулот ҳажми аввалги йилга нисбатан 111,4 фоизни ташкил этгани, жумладан саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 18,8 фоиз, чакана товар айланмаси 13,6 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми эса 8,4 фоиз ошгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган йили пойтахтимизда улкан қурилиш ва таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хусусан, Тошкентнинг Мустақиллик майдони, Эски шаҳар қисми, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғларининг тобора кўркам қиёфа касб этаётгани, янги корхоналар, кўприк ва йўллар қурилгани бунинг ёрқин далилидир.

Ошкора ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Уй-жой фонди бошқаруви, коммунал хизматлар соҳасида ҳали-ҳануз бозор механизмлари тўлатўкис жорий этилмагани, баъзи уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларининг касбий маҳорати ва тажрибаси замон талабларига жавоб бермаслиги, айрим корхона ва ташкилот мутасаддиларининг ҳамон боқимандалиқ кайфиятидан халос бўла олмаётгани қаттиқ танқид қилинди. Йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора- тадбирлар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов сўзга чиқди.

БУХОРО

Вилоят ҳокими С.Ҳусенов бошқарган фаоллар йиғилишида Президентимизнинг ҳукумат мажлисидаги маърузасида кўрсатиб ўтилган йўналишлар асосида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Вилоятда ўтган йили ялпи минтақавий маҳсулот аввалги йилга нисбатан 6,9 фоизга ўсди. Бунга саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 106,6, истеъмол моллари 107,8, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 109,7, пуллик хизмат кўрсатиш 117,5 фоизга ошиши ҳисобига эришилди. Иқтисодиётни эркинлаштириш, солиқ ставкаларининг камайтирилиши натижасида корхоналар ихтиёрида қолган 6,5 миллиард сўм маблағ уларнинг молиявий аҳволини яхшилашга йўналтирилди. Хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. 34 та корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Кичик бизнес субъектлари сони 4595 тага кўпайиб, жами 227,2 тага етди. Уларнинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улуши 44,4 фоизни ташкил этди. Етиштирилган пахтанинг 63,4, ғалланинг эса 71,3 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Айни пайтда 2005 йилда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Вилоятда, айниқса, йирик шаҳарларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш даражасида қониқарли эмас.

Коммунал тўловлар бўйича қарздорлик ҳам муаммолигича қолмоқда. Йиғилишда хусусийлаштиришни кенгайтириш, экспортни ривожлантириш, вилоят ҳудудидаги газ конларни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси қувватини ошириш, йирик саноат корхоналарининг касаначилик билан кооперациялашувини йўлга қўйиш, шунинг ҳисобига иш ўринларини кенгайтириш каби долзарб вазифалар белгилаб олинди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Республика Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда 2005 йилда амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар батафсил муҳокама этилди. Уни мазкур Кенгаш раиси Т.Тангирбергенов бошқарди.

Мажлисда республикада ўтган йили қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори унумдорликка эришилиб, давлатга пахта, ғалла ва пилла маҳсулотлари сотиш шартнома режалари ортиғи билан бажарилгани қайд этилди. Саноат, қурилиш, енгил саноат соҳаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ва хизмат кўрсатиш сифати ортди. 147 корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди.

Шу билан бирга, йиғилишда хусусийлаштирилган баъзи корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайгани, айрим субъектлар умуман фаолият юритмаётгани қаттиқ танқид қилинди. Шунингдек, транспорт тармоғида йўловчи ташиш ҳажми ортган бўлишига қарамай, бюджетга тушадиган маблағ 40 миллион сўмга камайган. Сармояларни жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этишда ҳам нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Ишчиларга маош тўлашни пластик карточка орқали амалга ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Мазкур муаммолар йиғилиш қатнашчилари томонидан атрофлича таҳлил этилиб, уларни ҳал этиш юзасидан зарур вазифалар белгиланди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

СИРДАРЁ

Вилоятда ўтган йил давомида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Вилоят ҳокими А.Жалолов бошқарган фаоллар йиғилишида шу ҳакда сўз борди. Тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, хориж инвестициялари иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурини бажариш борасида ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди.

Вилоятда 2005 йилда давлатга пахта, ғалла ва пилла топшириш шартнома-мажбуриятлари ортиғи билан уддаланди. Ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 293,5 миллиард сўмни ташкил этиб, бу борада аввалги йилга нисбатан 11,4 фоиз ўсишга эришилди. Давлат бюджетига 49,1 миллиард сўм солиқ ва тўловлар ундирилиб, белгиланган режа 101,7 фоизга бажарилди. 34 та объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди.

Шунингдек, аҳоли пунктларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизматини йўлга қўйиш борасида ҳали кўп иш қилиниши лозим. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш каби ижтимоий масалаларга эътиборни янада кучайтириш зарур. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Буюк Британия ёш олимлари учун ўқув семинари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида табиий офатлар, аввало, зилзилалар хавфини камайтириш ва баҳолаш мавзусида ўтаётган ушбу анжуманда соҳанинг етук олимлари, таниқли мутахассислар иштирок этяпти.

Ёш олимлар учун семинар

Анжуман ЎзР ФА ҳузуридаги М.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар мустаҳкамлиги институти, Британия Кенгаши, Ёш олимлар тармоғи халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Қозоғистон ва тожикистонлик олимлар ҳам қатнашмоқда.

Кеча анжуман доирасида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йирик зилзилаларни баҳолаш (доктор П.Бартон, Буюк Британия), Сейсмик хавфларни аниқлаш муаммолари, ўтказилган тадқиқотлар натижалари (профессор Т.Рашидов, Ўзбекистон), Тожикистонда қурилишларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш (профессор С.Неъматуллаев, Тожикистон), Турар жой, энергетика ва саноат иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлиги (профессор К.Абдурашидов, Ўзбекистон) каби мавзулардаги маърузалар ёш олимларда ва йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар 28 февралгача давом этади.

Ботиржон ҒОФУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

21-22 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг 2005 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳақидаги ҳисоботларини эшитдилар.

Ушбу масала юзасидан мажлисда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий кенгашининг биринчи котиби А. Турсунов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М. Тешабоев, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг биринчи котиби Д. Тошмуҳамедова, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Х. Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси Л. Ғуломов сўзга чиқдилар.

Савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси тегишли қарорлар қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенати томонидан рад этилган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузилган келишув комиссияси иши якунлари тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг раиси И. Кочмарик маъруза қилди. Депутатлар киритилган таклифларни маъқуллаб, Қонунни келишув комиссияси таклиф этган таҳрирда қабул қилдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р. Рўзметов «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжатнинг ҳар бир моддаси сиёсий партиялар барча фракциялари вакилларининг иштирокида батафсил кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Ўзбекистон — Бангладеш 5:0

Кеча Ўзбекистон терма жамоаси 2007 йилда ўтадиган Осиё чемпионатининг илк саралаш учрашувини Бангладеш футболчиларига қарши ўтказади. Ўйин майдон эгаларининг тўлиқ устунлигида ўтди. Тўпларни Максим Шацких ва Александр Гейнрих (иккитадан) ҳамда Сервер Жепаровлар киритди. Албатта, учрашувдаги натижа барчамизни қониқтирди. Бутун ўйин давомида Бангладеш футболчилари ҳимояланишга мажбур бўлишди. Ҳисоб бундан-да йирикроқ бўлиши мумкин эди, лекин мавсум энди бошлангани, футболчиларимиз ҳали бир-бирини тўла тушуниб етмаётгани учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти бўлмади. Асосий ўйинлар ҳали олдинда. Терма жамоамиз навбатдаги учрашувни 1 март куни Доҳада Қатар футболчиларига қарши ўтказади. Қатар эса, Бангладеш эмас. Бундан ташқари, жамоамизнинг етакчи ўйинчиси Сервер Жепаров қизил карточка олиб майдондан четлатилди. Анвар Солиевнинг жароҳати ҳам мухлисларни ўйлантириб қўйди.

Нима бўлганда ҳам, футболчиларимиз ўз олдиларига қўйган вазифани уддалашига ишонамиз.

З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси 2006 йил 24 февраль куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 23 февраль куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Йод танқислиги:

УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУММКИНМИ?

Парламент ҳаёти

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш масаласига эътибор кучайтирилмоқда. Ана шу хусусда бир қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси боис фуқаролар малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлмоқдалар. Касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг янги усуллари жорий қилинди ва қилинмоқда. Бироқ, бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида ўз ечимини топиши лозим бўлган бир қанча муаммолар мавжуд. Улардан бири аҳолида йод етишмовчилиги билан боғлиқ масаладир.

Ушбу муаммо Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан атрофлича ўрганилиб чиқилди. Уни бартараф этиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди ҳам. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи берилган депутатлар "Тузни йодлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни белгиланган тартибда муҳокамага киритмоқдалар. Ана шу қонун лойиҳасини ишлашда бевосита иштирок этган қўйи палата депутатларидан Илҳом НАСРИЕВ ҳамда Насим АЛИМОВ билан суҳбатимиз мазкур ҳужжатнинг аҳамияти хусусида бўлди.

И. Насриев:

— Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг мақсад ҳамда вазифаларини амалга ошириш Дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Президент маърузасида белгиланган қоида ва хулосаларга таяниб ишлаб чиқилди. Унда республикамиздаги йод танқислиги ҳолатлари ва касалликларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу касалликларни бартараф этишнинг энг оқилона ва узил-кесил ечими аҳолининг тўлиқ йодлаштирилган туз истеъмол қилишини таъминлашдир.

— Маълумки, Сиҳатсаломатлик йилида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Узбекистонда 2005-2009 йилларда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва камайтириш бўйича Давлат дастури" қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилган эди. Шундай экан, "Тузни йодлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга зарурат борми?

Н. Алимов:

— Албатта, бор. Йод танқислиги касалликлари нафақат бизнинг мамлакатда, балки бутун дунёда асримизнинг глобал муаммоларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда жаҳон ҳамжамияти инсон тақдири ва ўсиб келаётган авлод келажагидан хавотирда. Бунга етарлича асос бор. Чунки саломатликнинг кўзга кўринмас душмани — йод танқислиги киши интеллектуал салоҳиятининг пасайишига олиб келади. Бу бугунги кунда барчага аён ҳақиқат.

Ўрганиш жараёнида амин бўлдикки, ер шарининг бир ярим миллиарддан кўпроқ аҳолиси йод етишмовчилиги бўлган хавфли ҳудудда яшаб келмоқда. Бу касаллик юқумли бўлмаган хасталиклар сирасига киради. Йодланган туз эса инсон аъзоларини йод билан етарли миқдорда таъминлайди. Мунтазам равишда йодланган тузни истеъмол қилиш — ҳомиладор аёлларда бола ташлаш ва ўлик болалар туғилиши хавфини камайтиради ва бошқа касалликларнинг олдини олади.

И. Насриев:

— "Тузни йодлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинишига сабаб бўладиган омиллар шундан иборатки, йод етишмовчилигининг хавфи ва тарқалганлигига диққатни жалб этиш, тузни йодлаштириш миллатнинг ривожланиши йўлидаги муҳим қадамлардан бири эканлиги хусусидаги билимларни тарқатиш заруратидан иборатдир. Бизнинг республикамиз, суҳбатдошим таъкидлаб ўтганидек, йод танқислиги минтақасида жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу ҳолат турли касалликларнинг олдини олишга доир жиддий қонуний-норматив чора-тадбирларни кўришни талаб этади.

— Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида хорижий давлатлардаги шундай қонунлар ҳам ўрганилган бўлса керак?

Н. Алимов:

— Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор хорижий давлатларда амалда бўлган қонунларда акс эттирилган ҳуқуқий нормалар кўриб чиқилди. Хусусан, Қирғизистон Республикасининг "Йод танқислиги профилактикаси тўғрисида"ги, Озарбойжон Республикасининг "Йод танқислиги касалликларининг оммавий профилактикаси мақсадида тузни йодлаш тўғрисида"ги, Қозоғистон Республикасининг "Йод танқислиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги ва бошқа қатор давлатларнинг йод танқислигининг олдини олишга қаратилган ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлари ўрганилди. Қонуннинг мақсади — тузни мажбурий йодлаштиришни таъминлаш орқали йод танқислиги келтириб чиқарувчи касалликларининг олдини олишга ва бартараф этишга йўналтирилган ҳолда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдир.

И. Насриев:

— Қонун лойиҳасини яратишда, шунингдек, мамлакатимиздаги тегишли мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилган илмий-амалий семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларида билдирилган тавсиялар ҳам инобатга олинди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда йод етишмаслиги касалликларини олдини олишнинг 2005-2009 йилларга мўлжалланган дастурида белгиланган йўналишларнинг меъёрий-ҳуқуқий кафолатлари ва ечимларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси давлатнинг тузларни йодлаштириш ва уларни сотиш бўйича асосий кафолатлар, йодлаштирилган тузларни ишлаб чиқариш устидан назорат, тузларни йодлашга қўйиладиган талаблар ва бошқа ҳолатларни қамраб олган 14 моддани ўз ичига олади. Ушбу ҳужжат халқимизнинг саломатлигини яхшилаш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилганлиги билан янада муҳим аҳамият касб этади.

БИЗНИНГ ИЗОҲ:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриев Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология илмий текшириш институти директори, профессор С. Исмоиловнинг ушбу ҳужжатнинг аҳамияти тўғрисидаги хулосасини бизга тақдим этди. Унда билдирилганидек, институт томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 55-60 фоизи йод танқислиги касалликларига чалинган.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда мамлакат ҳудудида 65 та корхона мавжуд бўлиб, улардан фақат 26 тасида йодланган туз ишлаб чиқарилади. Корхоналарнинг 40 фоизи лабораториялар билан таъминланган, 35 фоизи эса тегишли талабларга жавоб бермайди. Шу йилнинг 14 январида Тошкент шаҳридаги "Ўрикзор" бозорида мазкур институт томонидан тузларнинг сифат даражаси ўрганилганда, 14 хил туздан фақат бир тури "Солина соф тузи" стандарт талабларига тўлиқ жавоб бериши кўрсатилган. Шунингдек, қўмитага тақдим этилган хулосада институт илмий ходимлари аҳолини меъёрида йодланган туз билан таъминлаш, уларнинг саломатлиги учун муҳим эканлигини таъкидлашади.

Зиёда АШУРОВА.

ПАРРАНДА ГРИППИ:

ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарларида дунёдаги бир қанча мамлакатларда парранда гриппи билан боғлиқ мураккаб эпизоотик-эпидемиологик вазият юзага келгани таъкидланмоқда. Бунинг оқибатида инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи, ҳатто ўлимга сабаб бўлувчи ҳолатлар рўй бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимизда бу борада кўрилаётган қатъий чора-тадбирлар натижасида шу пайтгача парранда гриппи билан боғлиқ бирорта ҳам ҳолат қайд этилмаган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси каби тегишли ташкилотлар томонидан бу касаллик вирусининг республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда темир йўл транспорти орқали парранда гриппи ва бошқа хавфли юқумли касалликларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқди, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Темир йўл транспорти давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори ўринбосари Султон Мусомуҳамедов. — Ҳозир бу борада қилинаётган ишлар тобора кучайтирилмоқда. Санитария назорати пунктлари шифокорлари чегара станциялари орқали мамлакатимизга кириб келаётган поезд йўловчиларининг саломатлигини жиддий назоратдан ўтказмоқда. Вакилларимиз транспорт прокуратураси, божхона, ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда четдан кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотларини текшириб, уларнинг сифатини кафолатловчи ҳужжатларни назоратдан ўтказаётир. Хорижга чиқувчи ва юртимизга кириб келган поездлар, йўловчи ташиш вагонлари эса ҳар куни, камида, икки марта дезинфекция қилинмоқда.

Станциялардаги назорат пунктлари автомакс, дезинфекцияловчи моддалар, махсус кийим-бош, шунингдек, лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

— Парранда гриппининг олдини олиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларимиз яхши самара бермоқда, — дейди "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Тиббий санитария хизмати бошлиғи Акбар Қаюмов. — Белгиланганидек, парранда гриппи мавжудлиги қайд этилган мамлакатлардан юртимизга ҳаво кемаларида парранда гўшти ва ундан тайёрланган маҳсулотларни олиб келиш тақиқланган. Айни пайтда чет элдан келаётган ва хорижга парвоз қилаётган ҳаво лайнерлари фақат Тошкент халқаро аэропортидан амалга оширилмоқда.

Ходимларимиз икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ зарур ҳолларда йўловчиларга тиббий ёрдам кўрсатса, иккинчи гуруҳ санитария-эпидемиология бўйича фаолият олиб бормоқда. Улар дастлаб, пойтахтимизга парранда гриппи тарқалган юртлардан келиб қўнаётган самолётлардаги йўловчиларнинг соғлиғи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишади. Ҳаво кемаларидан тушадиган йўловчиларнинг оёғи остига дезинфекцияловчи моддага шимдирилган махсус гиламлар тўшалган. Жойлардаги аэропортларда ташкил этилган изоляторларда етарлича тиббий асбоб-анжом ва дори-дармонлар мавжуд. Ҳозир авиакомпаниямиз самолётлари қирқдан ортиқ давлатга парвоз қилади. Компаниямизнинг ўша давлатлардаги вакиллари нафақат парранда гриппи, балки бошқа ўткир респираторли хасталиклар юртимизга кириб келишининг олдини олиш чора-тадбирларини ҳам кўраяптилар.

Ҳа, республикамиздаги аэропортлар, темир йўл ва автомобиль-транспорт вокзаллари, юртимиз чегараларининг кесиб ўтиш жойларидаги санитария-назорат пунктлари кучайтирилган тартибда фаолият юритмоқда. Шу боис мамлакатимизда парранда гриппи билан боғлиқ хавотирга ўрин йўқ.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Хабарлар оқимидан

ОМБУДСМАН БИЛАН УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестагининг Германия-Марказий Осиё парламент гуруҳи раиси Хеди Вегенер хоним раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, Омбудсман институтининг республикамиздаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ва унинг фаолияти билан танишдилар. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

(ЎзА).

Бойсунда сув омбори қурилмоқда

Сурхондарё воҳаси ҳудудининг қарийб тўртдан бир қисмини, яъни 4,7 минг квадрат километрини Бойсун тумани ташкил этади.

Бироқ унинг атиги минг гектари суғориладиган ерлардан иборат. Шу боис бу ерда 8 млн. куб метр сиғимли "Хангарон" сув омбори қурилиши бошлаб юборилди.

Бош пудратчи — "ТўпалангсувГЭСқурилиш" жамланмаси ҳозирга қадар 700 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Янги сув омбори ишга туширилгач, 3 минг гектар майдон оби-ҳаёт билан таъминланади.

Олимжон УСАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Балиқчи Текстил»нинг дадил одимлари

Республикамиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар самараси туфайли ҳозирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотларининг 50 фоиздан, саноат ишлаб чиқаришининг 20 фоиздан кўпроғи тўқимачилик соҳасига тўғри келади.

Андижон вилоятидаги Ўзбекистон — Германия — Швейцария "Балиқчи Текстил" қўшма корхонасида ўтган йилда 3 минг тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, 2400 тонна калава ип ишлаб чиқарилди. Муҳими уларнинг асосий қисми Германия, Туркия, Россия, Латвия давлатларига экспорт қилинди.

Айни пайтда корхонада 520 нафар балиқчилик ёшлар меҳнат қилмоқда. Бу ерда маҳсулот сифати ва манфаатдорлик асосий иш кўрсаткичи ҳисобланади. Устувор лойиҳага кўра, тез орада қўшимча калава ип йигирув цехи ишга туширилади. Бу ўз навбатида 80 та янги иш ўрни яратилишига имкон яратади.

СУРАТЛАРДА: тўқувчи Дилобар Дўлашева иш устида; қўшма корхонанинг ташқи кўриниши.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ноёб хум топилди

Жиззах вилоят «Ўлкашунослик» музейи яна битта тарихий экспонат билан бойиди. Яқинда бу ерга тагдон диаметри 55 сантиметр, гардиш диаметри 250 сантиметр, баландлиги 189 сантиметр бўлган V-VI асрларга оид ноёб хум келтирилди.

Жиззах шаҳрининг шарқий қисмидаги ҳовлиларнинг биридан қазиб олинган топилмани Самарқанддаги Я. Ғуломов номидаги Археология институти мутахассислари таъмирлашди. Ўлкашунос ва тарихчи олимларнинг фикрича, зардуштийлар динига сиғинган аждодларимиз табиатнинг 4 та унсури — олов, сув, ер, ҳавони муқаддас билишган. Шу боис жасадларни тўғридан-тўғри ерга эмас, хум-остадонларга солиб кўмишган.

Жуда яхши пишитилган лойдан ясалган, ўртача сифат даражасида пиширилган хум-остадоннинг шунча даврдан буён сақланиб қолиши кўпчилик мутахассисларни қизиқтирмоқда. Нима бўлгандаям хум музейнинг энг кўҳна экспонатларидан бири бўлиб қолади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маънавият

ТАНАЗЗУЛДАН ИБРАТ ОЛИБ БЎЛМАЙДИ

Маълумки, ўрта асрларда Европада юз берган Уйғониш даври Ғарбда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида тараққиётни тезлаштириб юборди. Бу даврда шахс эркининг қонунлаштирилиши Ғарбни маданий жиҳатдан ривожлантирди, инсоннинг яратувчилик қобилияти кенг намоён бўлди, илм-фан тараққий топди. Шу билан бирга, Ғарбий Европа халқлари, гарчи инсон эркинликлари учун курашлар олиб борган ҳамда кўплаб мамлакатлар ҳали етолмаган ютуқларга эришган бўлсалар-да, бу ютуқлар бойлик ва куч-қудратга интилишга асосланади. Бойлик ва куч-қудратга интилиш бошқа халқларнинг эркинликларини оёқ ости ва ўзларини иқтисодий қарам қилишга олиб келди. Узоқ йиллар давомида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларини мустамлака қуллигида сақлаш, бойликларини ваҳшиёна талаб кетиш бунинг мисолидир.

Ўзининг асосий мақсадларини цивилизацион етакчиликка, яъни асосан сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва маданий йўлбошчиликка қаратган Европа эркинликнинг маънавий асосларига етарлича эътибор қарата олмади (бу ҳолат ҳозир ҳам давом этмоқда).

Ғарб жамияти мақсадларининг тубида ётган маънавиятга бефарқлик, лоқайдлик оила, никоҳ масалаларига ҳам ҳалокатли зарба берди. Эмансипация ғоялари, биринчи навбатда, оила ва никоҳ тушунчалари илдизларига болта урди, никоҳ муқаддаслиги барҳам топмоқда. Бу ҳақда ўз даврида француз ёзувчиси Эрнест Ренан шундай деган эди: "Давримизнинг асосий тенденцияси — уни ишлатаётган маънавий двигателни моддийлари билан алмаштириш бўлиб қолди".

Ҳозирги Ғарбий Европа ва АҚШда ахлоқий тизгинсизлик шу даражага етиб келдики, энди аҳоли ўртасида бокиралик ва ахлоқ меъёрларини тиклаш масаласида курашлар, айниқса, солишлар авж олиб бормоқда. Бугунги кунга келиб ахлоқ тизгинсизлиги АҚШ, Франция, Голландия, Германия, Буюк Британия, Дания каби мамлакатларда "жиноятчилик, зўравонлик, наркомания, ахлоқий беписандлик, ҳирсий тийиқсизлик, оила таназзули, алкоголизм, жинсий майлпарастлик, анъанавий қадриятларни топташ" (А.Е. Мочехин) каби ҳолатларни шу даврда яшаётган авлоднинг амалдаги ҳаёт тарзига айлантириб юборди. Кўриниб турибдики, халқнинг бундай катта қўламдаги таназзулини тўхтатишда бокиралик учун кураш халқнинг генетик саломатлигини сақлаб қолиш ва тиклаш йўлида кучсиз бир қадамгина, холос. Лекин таназзул чуқурлашаяпти. Эркак билан эркак орасида никоҳга рухсат берилиши (Англия, Голландия, АҚШнинг айрим штатларида), ўсмирлар жинсий тизгинсизлиги шу таназзул далилларидир. Давлат томонидан ҳуқуқий жиҳатдан рухсат берилган очиқ фоҳишахоналар, ҳирс ва фаҳшни реклама қилувчи беҳисоб воситаларнинг ишга солиниши ахлоқсизликнинг беҳаёларча кўринишидир.

Ғарбда юз берган маънавий тубанлашув кўпгина мутафаккирларни ташвишга солмоқда. Чунончи, ёзувчи А.Зиновьев ҳозирги Ғарб жамиятидаги ахлоқсизликни бундай таърифлайди: "Хиёнат. Зўравонлик. Наркомания. Бузуқчилик. Оиланинг емирилиши. Алкоголизм. Оммавий фаҳш. Мана, Ғарб ахлоқининг умумий манзараси! Анъанавий қадриятлар йўқолмоқда. Боз устига, бу алоҳида ҳодисалар эмас, балки уларнинг беқиёс кўплиги, миқёси, чегарасизлиги кишини ҳайратга солади. Яна шуниси даҳшатлики, одамлар иллатларни қарийб бешикданоқ юқтириб олмоқдалар".

Европаликлар XIX аср ўрталаригача ахлоқан бузилган аёлми Ламброзо кўплаб машҳур ва оддий одамлар шажараларини ўрганиш асосида инсоннинг интеллектуал ва руҳий мероси авлоддан-авлодга генетик жиҳатдан кўчишида ижоларни оилавий ҳаётга яроқсиз ҳисоблар эдилар. Ҳозирги Ғарбий Европа ва АҚШ қонунлари эса оилага, ахлоқий қадриятларга, меъёрларга хиёнат учун берилиши керак бўлган жазони рад этади. Бу йўналишда барча эркинликларга рухсат беради. Ҳатто инсон ахлоқсизлиги, майлпарастлиги ва ақлсизлиги билан боғлиқ беҳаё ҳаракатларни оммавий равишда тарғиб қилиш, уни санъат асарларида талқин этиш қонун йўли билан, эркинлик сифатида ҳимоя қилинади. Бунинг оқибатида, бу мамлакатларда жиноятчилик, наркомания, зўравонлик, бузуқлик каби номақбул ҳаракатлар қўрқинчли даражада тез ўсиб бормоқда. Россия аналитиклари (таҳлилчилари) ушбу ҳолатни узоқ йиллар давомида инсон руҳий-ахлоқий муносабатларига телбаларча бефарқлик оқибатида Ғарбий Европада вужудга келган инқироз, деб ҳисоблашади. XIX асрнинг машҳур олибий хислатлар камроқ, салбийлари эса кўпроқ ўтишини исботлаган эди. Янада аниқроғи, салбий хислатлар янги авлодларга касалликларга ўхшаш ва ирсий шаклда кўчишини кўрсатган эди. Масалан, у шажара бошида турган пиёниста (араққўр) Макс Юке деган шахс авлодларидан 75 йил ичида 200 та ўғри ва қотил, 280 та бахтсиз - ожизлик, телбалик, тутқаноққа чалинганлар, 90 та фоҳиша ва 300 та бевақт вафот этган (турли ирсий касалликлар туфайли) фарзандлар дунёга келганлигини аниқлаган эди.

Европа олимларининг гувоҳлик беришича, маънавиятсизлик қитъада кундалик турмуш принципига айланиб бормоқда. Анъанавий маънавий қадриятларни — қолоқлик, қабила-уруғчилик белгиси, озод одам учун ортиқча дахмаза, кишан дегувчилар бор. Уларнинг назарида, ҳамма нарса нисбий, жумладан, ахлоқ меъёрлари ҳам. Ҳар бир даврнинг ўз "ахлоқи" бор, доимий қадрият йўқ, дейдилар. Уларнинг назарида, ахлоқ сиёсий мақсадларга хизмат қилиши керак. Мақсадга эришиш учун ҳамма воситаларни қўллаш жоиз, бу йўлда керак бўлса, шайтон билан ҳам ҳамкорлик қилиш мумкин эмиш.

Шундай бўлгач, Ғарб маънавияти бизга ўрнак бўла оладими? Йўқ, албатта. Маънавий-ахлоқий таназзул ҳеч қачон ибрат бўла олмайди. Тўғри, Ғарбдан ўрганадиган нарсалар ҳам бор, чунончи, иқтисодий тараққиётдаги ютуқлар, техника ва технология соҳасидаги янгиликлар, қулайликларни ўзлаштириш ва бунда ғарбликларга тенглашиш учун интилиш яхши. Аммо маънавий-ахлоқий жиҳатдан уларга эргашишга ҳожат йўқ. Аксинча, ўзимизда асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларга содиқ қолиш, уларни қадрлаш ва ривожлантириш йўлидан боришимиз юз карра афзал. Биз маънавий саломатлик, исломий қадриятлар заминида шаклланган қадриятларни эъзозлашни унутмайлик, инсоний фазилатларни мужассам этиб, бутун дунёга ибрат бўлайлик.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.
Фазлиддин РАВШАНОВ,
филология фанлари номзоди.

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

Мустақиллик ва эзгулик монументи пойидаги ўйлар



Матонатга қўйилган ҳайкал

Биз ўтмишни ёдга олиш зарурати ҳақида сўз юритганимизда, кўпинча ортда қолган қийинчиликлар, сабоқларни хотирлашни назарда тутамиз. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Кечаги кунлар хусусида фикрлаганда, аждодларимизнинг эзгу ишлари, ёруғ ниятларини ҳам кўнглимиздан ўтказамиз. Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган сўзларида жуда катта маъно борлигига яна бир карра имон келтирамиз. Худди шунингдек, ҳар йили мустақиллик шодиёнасини нишонлашдан олдин эрта тонгда «Шаҳидлар хотираси»ни зиёрат қилиш, марҳумлар ҳақига дуои фотиҳа ўқиш анъанаси ўзбекнинг азалий қадриятига қанчалик ярашганини дилдан ҳис этамиз.

Ислом Каримов Мустақиллик майдонини ўзбекнинг энг азиз ва жозибадор гўшасига айлантириш учун, аввало, «Мотамсаро она» ҳайкали тимсолида «Хотира майдони»ни барпо этганлигида ҳам юқоридаги ҳикмат асос бўлган бўлса, не ажаб?! Зотан, ўзлигини унутмаган инсон ҳаётининг энг қувончли дамларида ҳам ўзидан олдин ўтганларни, айнан унга эзгулик тилаган аждодларни шукроналик билан ёдга олади, руҳини шод этади. Шундан кейингина унга байрам татийди.

«Хотира майдони»га келган ўзбекистонлик турли миллат фарзандлари шу «Мотамсаро она» сиймосида ўз волидасини кўрганда, бугунги авлодларимиз аввалги «Номаълум солдат» обидаси ўрнида номлари аниқ битилган уруш қурбонларининг ўчмас битиклари олдида кўзга ёш олиб Юртбошига миннатдорчилик билдирганларида, бу савобли ишнинг баҳосини ҳеч бир мезонда ўлчаб бўлмаслигига иқрор бўласиз. «Сен доим қалбимдасан, жигарим!» деган она сўзларига жавобан: «Мен ҳам онажонимни умрбод унутмайман» деган калом акс-садо берганига ишонгингиз келади.

Ўтган йил баҳорда қизиқ бир ҳолат юз берди. Юртимизга Корея Президенти ташриф буюриши арафасида ишчи гуруҳи таркибида келган бир ҳамкасбимиз билан суҳбатда бўлдик. Меҳмон Тошкентнинг чинакам гўзаллигига қойил қолганини айтди. Гап орасида сўраб қолди:

— Мустақиллик майдонидаги «Мотамсаро она»нинг исмлари ким? Қайси вилоятда туғилган?

Мен бир лаҳза жим қолдим. Халқимиз тарихини тўлиқ билмаган одам шундай савол бериши табиий, албатта. У киши «Ҳаётда ҳайкалнинг асл прототипи борми?» деб сўраётган эди. Мен имкон даражасида тушунтиришга ҳаракат қилдим:

— Бу ҳайкал мингминглаб ўзбек оналари хотирасига ўрнатилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида деярли ҳар бир хонадондан кимдир урушга борган. Ўша Сиз кўрган она ё ўғлини, ё эрини жангдан қайтишини кутган. Умри поёнига етганда эса, у кутган одами келмаса, бу дунёдан «армон билан» кетган.

— Ҳа, ўз халқининг фидойи фарзандларига шундай ҳайкал қўйган миллат ҳеч қачон кам бўлмайди! — деди меҳмон ҳамма гапни тушунганлигига ишора қилиб.

Буюк қудрат ифодаси

Албатта, ҳар қандай ўзгариш аста-секинлик билан, қадам-бақадам амалга оширилса, табиий бўлади. Ўзбекистон бош майдонидан собиқ тузум доҳийси ҳайкалини олиб, унинг ўрнига Мустақиллик монументи ўрнатилди. Юқорида баён этганимиздек, Хотира майдони қад ростлади. Бу манзаралар туб ўзгаришларнинг дебочаси эди, холос. Давлатимиз раҳбари мазкур майдон халқнинг эътиқоди, ихлоси намоён бўлаётган жой бўлиши учун муайян вақт кераклигини дилдан ҳис қиларди. Энг муҳими, одамлар бу ўзгаришларни юракдан қабул қилсин. Шу юрт, шу замин ҳар бир фуқаро қалбида ғурур туйғусини уйғотсин.

Айтайлик, сиёсий ҳаётда ҳам эволюцион ривожланиш йўлидан келдик. Икки палатали парламент вужудга келтирилгунча ўн йил бир палатали парламент тажриба орттирди, умумхалқ референдумидан оқ фотиҳа олинди, сўнг қонунчилик ҳокимиятида янги шаклларга ўтилди. Худди шунингдек, Мустақиллик майдонига нисбатан халқ онгида улкан ғурур ва фахрланиш ҳислари барқарор туйғу даражасига кўтарилиши керак эди. Шу маънода, ўн уч йилдирки, Истиқлол байрами ана шу майдонда нишонланади.

Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бамисоли чехра устига тушган сўгалдай киши кўнглини хира қиларди. Айниқса, Сенат биноси қад ростлагач, бу корхонанинг шаҳар маркази ҳуснига доғ бўлиб қолганлиги яққол намоён бўлди. Бу атрофда ҳар қачонгидан файзли гулзорлару арчали масканнинг бунёд этилиши, Мустақиллик майдонига туташ «Ўзбекистон» шоҳкўчасини кенгайтириш зарурати туғилгандан кейин «Технолог» бирлашмаси, «Ўзқишлоқхўжмашхолдинг» компанияси биноларини бу жойдан кўчириш кераклиги ўз-ўзидан кун тартибига қўйилди.

Қаранг, шу биргина ўзгариш туфайли серқатнов ва гавжум йўл тўғриланди, атроф яна кўркамлашди, илгариги тор жойда уфқлари очилган кенг ва равон майдон вужудга келди.

2005 йилда, айниқса, Ўзбекистонда жамият ҳаётида янги давр бошланди: дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан андоза, ибрат олиниб, икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлади. Қонунчилик ҳокимиятининг муҳим тармоғи — Сенат биноси айнан шу Мустақиллик майдонида қад ростлади. Ушбу кошона, Президентимиз режасига кўра, Бош майдоннинг умумий манзарасига чин маънода уйғунлашиб кетиши керак эди. Мана, ўтган қисқа муддатда бу эзгу ният рўёбга чиққанини ҳамма эътироф этмоқда.

Ушбу муҳташам бинода Сенат билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси каби бошқа муассасалар жойлашган. Тўрт қаватли пурвиқор иншоотда 170 ўринли мажлислар зали, йиғилишлар учун мўжалланган яна учта кичик зал ҳам бунёд этилган.

Муаззам бино лойиҳаси «Ташгипрогор» очиқ акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланган. Уни яратиш жараёнида хориждаги, жумладан, АҚШ Сенати биноси лойиҳаси ҳам синчиклаб ўрганилган. Бироқ, барибир Ўзбекистон Сенати биноси ўзига хос ва бетакрор миллий услубда барпо қилингани шундоқкина кўриниб турибди!

Бинога кираверишда ўрнатилган маҳобатли тўрт устун бамисоли адолат таянчлари янглиғ мустаҳкам. Уларнинг тепасида қурилган уч гумбаз Шарқ меъморчилигининг энг илғор ютуқларини эслатибгина қолмай, балки асрий анъаналаримиз бардавомлигига, қадимий давлатчилигимиз тарихига ишорадир.

Сенат биносининг биринчи қаватига Украинадан келтирилган қизил гранит, қолганларига эса Греция ва Италияда ишланган оқ мармар билан жило берилган.

Сенатнинг олд қисмида жозибадор фаввора ва ҳовузлар қурилган. Йўлакларда безакли тошлар, атрофида эса гуркираб турган турли дарахт ва буталар, ям-яшил майсалар баҳри-дилингизни очади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мазкур бино ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ифода этади, халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади.

— *Мен илк бор Сенат биносига қадам қўйганимда, руҳимда сўз билан таърифлаб бўлмас таассурот уйғонди,* — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими ижрочи директори Нодира Каримова. — *Бу даргоҳ Ўзбекистонимизнинг чинакам буюк давлат эканлигини кўзгу каби акс эттириб турибди. Мармар кошинлар, биллур қандиллар, нилий гумбазлар ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз ғурур уйғотади. Бундай муҳташам кошона ҳурматли Президентимиз ғояси билан барпо этилгани, айниқса, мустақил Ўзбекистонимиз тарихида ўчмас лавҳа бўлиб муҳрланиб қолади.*

Орзулар ушалган кун

Мустақиллик майдонида янгидан қад ростлаган бетакрор иншоотлардан яна бири, бу — Эзгулик аркасидир. Арка — азалдан «Кириш жойи, табаррук остона» деган маъноларни англатади. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг Бош майдони халқимизнинг, мамлакатимизнинг асрлар давомида кўнглида бўлган улкан орзу-ниятлари ушалганлигининг ифодасидир.

Беихтиёр кўнглимиздан шундай гаплар ўтади: ўзини Ўзбекистон фуқаросиман, деб ҳисоблаган ҳар бир инсон ўз ҳаёти мобайнида, лоақал бир марта Эзгулик аркасига келиши, шу ернинг ҳавосидан тўйиб нафас олиши, шундай бахтга мушарраф бўлганидан кўнглида ғурур сезиши керак. Шундай туйғуни дилдан ҳис этган ота-она бу ҳақда фарзандларига уқтириши лозим. Ахир «Озодлик» сўзининг тотли маъноси ҳам одам боласига чексиз куч-қудрат ато этади.

— *Эзгулик аркаси ҳақидаги телекўрсатувни жуда қизиқиб томоша қилдик,* — дейди Тошкент туманилик меҳнат фахрийси Умаржон ака Валиев. — *Ҳа, бу иншоот халқимизнинг неча асрлик орзу-армонлари ушалганининг рамзий ифодаси бўлди. Бу ерда ҳар ким кўнглидаги энг муқаддас орзу-ниятлари ижобат бўлишини Яратгандан сўрайди. Бу масканга қадам қўйган ҳар қандай инсон қалбида фақат эзгу туйғулар барг ёзади.*

Энди ўзингиз айтинг: шундай кунни ўзбек халқи неча асрлардан буён Яратгандан илтижо қилиб сўраганди? «Оллоҳ ҳам пок ният билан сўраганга беради» деганларининг ижобати эмасми бу?

Эзгулик аркасининг муҳим жиҳати шуки, у ҳам бўлса, мазкур майдоннинг халқимиз ҳаётида тутган маънавий аҳамиятидир. Айниқса, янги оила қураётган ёшлар учун бу маскан ҳаёт йўлини бошлаб берувчи ёруғлик тимсоли бўлиб қолади. Бу ерга келиб суратга тушган келин-қуёвлар кўнглида ўз келажагини юрт келажаги билан боғлаш нияти барқ уради. Катта ҳаёт бошида турган ёшлар ўзларининг қалблари тубидаги эзгу ниятларини, айтайлик, «Биз ҳам фарзанд кўрайлик, бахтли бўлайлик, ортиримиздан нурли из қолдирайлик», деган орзуларни дилларига туғишади. Ҳа, эзгуликдан эзгулик туғилади-да.

Мўътабар қадамжо

Янги йил байрами арафасида — 28 декабрь куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонида янги қад ростлаган монумент пойига гулчамбар қўйди.

— **Биз гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида, Мустақиллик майдонида истиқлолимизнинг дастлабки кунларида ўрнатилган мазкур монументга Мустақиллик монументи деб ном берганмиз,** — **деди давлатимиз раҳбари. — Бугун унинг ёнига Бахтиёр Она сиймосини ифодалайдиган янги ҳайкал қўйилди.**

Шу сабабли ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага **"Мустақиллик ва эзгулик монументи"** деб ном бермоқ, ўйлайманки, жамоатчилигимиз, халқимиз бу фикрни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Чунки мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Барчамизга маълумки, она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидойилик, бир сўз билан айтганда, эзгуликнинг ёрқин тимсолига айланган.

Мана шу икки буюк қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари, бу мажмуанинг сиёсий ва инсоний маъноси яққол мужассам, десак, хато бўлмайди. Тасаввур қилинг, олижаноб ниятлар билан янги оила қураётган минглаб ёш йигит-қизларимиз Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, ушбу монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади.

Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютуғимиз ўз аксини топган. Шу маънода, бизнинг узоқни ўйлаб, айнан мана шу монументни Ватанимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдонида барпо этганимиз катта моҳият ва аҳамиятга эга, деди Президентимиз.

Мен мана шундай табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, авваламбор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қолишига ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан.

Аслида, Президентимиз бу сўзлар орқали бутун халқимизнинг орзу-ўйларини ифода этганди. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 февралда имзолаган «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида»ги қарори ҳамма жойда зўр қониқиш билан кутиб олинди. Буни қарангки, шундай улуғвор ва маҳобатли тимсол яратилгандан кейин унинг мақоми ҳам юксак поғонага кўтариб қўйилгани айни муддао бўлди. Эндиликда бу обида пойига гулчамбарлар қўйиш расмий маросими жорий этилади, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган чет эл давлатлар раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, хорижий делегациялар вакиллари ва бошқа расмий меҳмонларнинг давлат протоколларига киритилган ҳолатларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросими ўтказилади.

Ватанимиз мустақиллигини қалбининг туб-тубида эъзозлаган ҳамюртларимиз, азиз ва мўътабар меҳмонларимиз ана шу масканга чуқур эҳтиром билдирган ҳолда зиёрат қиладилар. Бу гўша Ўзбекистоннинг буюк ўтмишидан, асрий кечмишидан авлодларга мароқли ҳикоя ҳадя этаверади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Т. ҚУРБОНБОЕВ, Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйича ҳаракатланадиган тезюрар «REGISTON» электрпоезди 2006 йил 1 февралдан бошлаб ҳар куни қатнашини маълум қилади.

«REGISTON» электрпоездининг ҳаракатланиш жадвали	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
№ 02 Тошкент — Самарқанд	07.00	10.50
№ 01 Самарқанд — Тошкент	17.00	20.50

Хизматлар лицензияланган.

Қўшимча маълумотни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: Тошкентда — 199-76-27; Самарқандда — (8-3662) 29-15-32, 22-11-12.

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.

"Galla-Alteg" ОАЖ

2005 йил натижалари бўйича акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши 2006 йил 28 март куни соат 14.00 да Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уйда ўтказилишини маълум қилади.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. ОАЖ кузатув кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақида.
2. ОАЖ бошқарув раисининг 2005 йил молиявий-хўжалик фаолияти, бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботи ва 2006 йил вазифалари ҳақида.
3. 2005 йил бухгалтерлик балансини тасдиқлаш, фойда ва зарарни тақсимлаш ҳақида.
4. 2005 йилга аудиторлик текшируви ва тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш ҳақида.
5. 2005 йил натижалари бўйича дивидендлар миқдори ва тўлаш тартиби ҳақида.
6. ОАЖнинг 2006 йил бизнес-режасини тасдиқлаш ҳақида.
7. 2006 йил жамият аудиторини тасдиқлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.
8. ОАЖ бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.
9. ОАЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.
10. ОАЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.
11. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида.

Акциядорларнинг реестри 2006 йил 25 февраль ҳолатига ёпилади.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи бўлган акциядорлар рўйхати ОАЖнинг 2006 йил 25 февраль ҳолатига ёпиладиган акциядорлар реестрига асосан тузилади. Акциядорларни рўйхатга олиш — соат 12.00 дан 13.50 гача.

Маълумот учун телефонлар: 67-53-10, 68-36-51.

"Galla-alteg" ОАЖнинг 2005 ЙИЛ БУХГАЛТЕРЛИК БАЛАНСИ

№	Кўрсаткичлар номи	Актив	Пассив
1.	Асосий воситалар	2 040 969	
2.	Капитал қўйилмалар	38 377	
3.	Узоқ муддатли инвестиция	38 340	
4.	Ишлаб чиқариш заҳираси	10 286 274	
5.	Тайёр маҳсулот	475 893	
6.	Товарлар	—	
7.	Пул маблағлари	31 849	
8.	Бошқа дебиторлик қарзлари	2 885 127	
9.	Келгуси давр харажатлари	36 020	
10.	Устав капитали		639 863
11.	Қўшилган капитал		249 909
12.	Резерв капитали		1 157 988
13.	Тақсимланмаган фойда		322 052
14.	Мақсадли тушум ва фойдалар		—
15.	Бюджет бўйича қарзлар		451 038
16.	Бюджетдан ташқари қарзлар		548 726
17.	Бошқа кредиторлик қарзлари		1 856 633
18.	Банк кредити		10 606 640
	БАЛАНС	**15 832 849**	**15 832 849**

Кузатув кенгаши.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси

2006 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Косон тумани, Хўжақудуқ қишлоғида 25 ўринли физиотерапия шифохонаси қурилиши.

Қурилиш муддати — 210 кун. **Бошланғич нархи** — 271.195.290 (ҚҚС билан) сўм.
Буюртмачи — Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.
Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (8-375) 227-16-56, 227-19-82, 227-18-95.

Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) туэишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда** жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 221-07-79.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи биносида қуйидаги манзилда ўтказилади: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Қишки чемпионат ғолиблари

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида сузиш бўйича Ўзбекистон қишки чемпионати якунланди.

Яқинда спорт устаси талабини бажарган андижонлик Мафтуна Тўхтасинова бу сафар ҳам ўз устунлигини намойиш этди. У 1500 метрга эркин, 200 метрга чалқанча, 200 ва 400 метрга комплекс усулда сузиш баҳсларида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Навоийлик Ирина Шлемова учта олтин медаль соҳиби бўлди. Тошкентлик Ольга Гнедовская ва Елена Лисицкаялар икки бор шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой олишди.

Эркаклар ўртасида пойтахтлик Олег Ляшко ва Андрей Морковинлар уч мартадан маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Андижонлик Шоҳруҳ Юнусов ва тошкентлик Сергей Паньковлар иккитадан олтин медалларга эгалик қилишди.

З.ЖОНИБЕКОВ.

БОЛА ЭЪТИБОРДА БЎЛСА...

Ҳар бола бир олам, ўзига яраша қизиқиши, интилиш ва мақсадлари бор. Ютуқ унинг ана шу жиҳатларини вақтида илғаб, рағбатлантира олган ота-она ёки мураббийники. Яқинда Тўрақўрғон тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ногирон болалар ўртасида ўтказган «Мен келажагимни қандай тасаввур этаман?» мавзуидаги кўрик-танловимиз буни яна бир карра исботлади.

Тадбирда иштирок этган йигирма нафар ўғил-қизнинг кўнгли кемтик, яъни жисмоний жиҳатдан нуқсонлари бўлса-да, тасвирий санъатга иштиёқлари баланд эди. Улар шундай расмлар чизишгандики, дунёқарашлари, эртанги кун ҳақидаги тасаввурларининг ўзига хослиги ҳайъат аъзоларини ҳайрон қолдирди. Табиийки, ўша куни иқтидори муносиб баҳо олган бу ўғил-қизлар кўнглида атрофдагиларга нисбатан муносабат янада илиқ тус олди, уларнинг ўзларига бўлган ишончи мустаҳкамланди.

Ҳа, ҳаёт мураккаб бўларкан. Баъзан, тўрт мучаси соғ, тоғни урса талқон қиладиган йигитчаларни йўлга солишда қийналамиз, «тарбияси оғир» деган тамғани бўйнига илиб, ички ишлар идорасининг профилактика бўлими ихтиёрига йўллаймиз. Ваҳоланки, ўша дамда уни тарбияли тенгдошлари қаторига қўшиш учун озгина эътибор, дардига шерик бўлишнинг ўзи кўп нарсани ҳал қилиб юборади. Агар шу тартибда ёндашилганида Катта қурамалик Музаффар Мамадалиев ҳуқуқбузарликка мойил болалар қаторига тушиб қолмаган бўларди.

У тўққизинчи синфни тугатгандан сўнг ўқишдан четда қолди. Оиласидагилар ҳам, мактаб ҳам бу ҳолга эътибор қаратмади. Назоратсизликдан фойдаланган ўсмир хулқи ёмон болаларга қўшилди, тенгдошлари билан муштлашиб, юзи қора бўлди, ички ишлар бўлими рўйхатига тушди. Ғишт қолипдан кўчгандагина маҳалла ҳам, яқинлари ҳам у билан шуғулланишга тушишди. Музаффар эндиликда тубдан ўзгарган. Жамоатчилик кўмаги билан муқим иш жойини топди, корхонадагиларнинг ижобий тавсифномаси билан профилактика бўлими рўйхатидан чиқарилди. Бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айни пайтда ички ишлар бўлими ҳисобида рўйхатда турувчи 15 нафар ўғил-қизнинг ҳар бири билан алоҳида тарбиявий иш олиб борилмоқда. Ҳоким фармойиши билан уларга бириктириб қўйилган туман Кенгаши депутатлари боланинг уйига бориб, ундан мунтазам хабар олиб турилмаган. Кўриниб турибдики, вояга етмаганлар билан иш олиб боришга мутасаддиларнинг ўзи ҳам, мактаб ҳам бу ҳолга эътибор қаратмади. Назоратсизликдан фойдаланган ўсмир хулқи ёмон болаларга қўшилди, тенгдошлари билан муштлашиб, юзи қора бўлди, ички ишлар бўлими рўйхатига тушди. Ғишт қолипдан кўчгандагина маҳалла ҳам, яқинлари ҳам у билан шуғулланишга тушишди. Музаффар эндиликда тубдан ўзгарган. Жамоатчилик кўмаги билан муқим иш жойини топди, корхонадагиларнинг ижобий тавсифномаси билан профилактика бўлими рўйхатидан

Вояга етмаганлар билан ишлаш

шади, кам таъминланган оиладан бўлса моддий ёрдам кўрсатишади, қизиқишига қараб спорт жиҳозлари, бошқа зарур буюмларни олиб беришади. Турган гап, маънавий-моддий эътибордан баҳраманд бўлган ёшнинг дунёқараши ўзгаряпти.

Туманимизда 170 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улардан 62150 нафари ўн саккизга қур эгаллашлари учун таълим даргоҳларида етарли шарт-шароит яратилиши, ўқитувчи-мураббийлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари доимий назоратда. Мазкур талаблар бажарилмаган жойда ҳуқуқий омиллар ишга тушяпти. Масалан, Шаҳанд ва Тўрақўрғон касб-ҳунар коллежларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижроси таҳлил қилинганида, уларда дарсликлар тахчиллиги, машғулотлар давлат таълим стандартлари даражасида ташкил этилмаётганлиги боис ўқувчиларнинг кўп қисми ўзлаштиролмаётганлиги аниқланди. Тумандаги 18-мактабда бўлиб ўтган воқеани олайлик. Бошланғич таълим ўқитувчиси Моҳира Бозорова 1-синф ўқувчиси Ҳаётбек Раҳимовга якка тартибда муаллим этиб белгиланади. У машғулотларни ўқувчисининг уйига бориб ташкил этиши лозим эди. Бироқ, сентябрь-январь ойлари мобайнида дарсини ўтмайди. Шунга қарамай, мактаб директори Шомирза Абдуллаев унга 150807 сўм маош ёзиб, давлат маблағини талон-торож этади. Ана, бола тарбиясига масъул бўлган шахсларнинг қилмиши.

Вояга етмаганлар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиб етишишлари учун энг аввало, соғлиқни сақлаш муассасалари масъул. Белгиланган тартибга кўра, ўсиб келаётган авлод вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туриши лозим. Агар у ногирон бўлса, шифокорнинг доимий назорати талаб этилади. Мониторинглар жараёнида бу соҳадаги масъулиятсизликлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Туман марказий поликлиникаси мутасаддилари айби билан 16 ёшга тўлган ва қайта кўрикдан ўтказилиши лозим бўлган 23 нафар ногирон болалар мутахассис кўригидан ўтказилмай қолиб кетган. Натижада уларнинг кўпчилигига нафақа тўланмаган. Мазкур ўғил-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилганлиги учун айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-модда 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Вояга етмаганларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида «Бандлик» бўлими билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Январь ойида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 31 корхона 229 иш ўрни таклиф қилди. Ўша куни муқим иш жойини топган 72 фуқаронинг 3 нафари ёшлардир. Бундан ташқари, «Устоз-шогирд-педагог» лойиҳаси асосида амалга ошираётган тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётир.

Тарбия кўпчиликнинг иши. Оилада бошланиб, маҳалла, мактаб, ишхонада давом этадиган бу юмуш пировардида, эртанги кунимиз, кўзлаган мақсадларимиз рўёби учун хизмат қилади. Демак, ёшлар тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси қатъий бўлиши, унда ҳар бир кишининг фаол иштироки жуда-жуда муҳимдир.

Шавкатжон РАҲИМОВ,
Тўрақўрғон тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

ЯНГИ КИТОБЛАР



Жўра Саъдуллаев — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, матбуотимизнинг заҳматкаш, тажрибали ижодкорларидан биридир.

Таниқли журналистнинг туҳфаси

Ёши етмишни қоралаган бўлса-да, ҳамон ўтли-шудли, ғайратли, юрт кезиб толиқмайди, ажойиб тақдирли замондошларни излаб топиб, суҳбатлашишга ўта иштиёқманд. Шу боисдан муаллифнинг ўзи билан суҳбатлашиш ҳам мароқли. Ёзган мақолалари, чиқарган китоблари эса мазмунан ва моҳиятан салмоқли. Ж. Саъдуллаев бир қатор ажойиб тўпламларга ҳаммуаллиф. «Камолот йўллари», «Тик парвоз» номли очерклар мажмуаси эса ҳозирги журналистикамизнинг муносиб ютуқларидандир.

«Зар қалам» нашриёти забардаст журналистимизнинг «Замондош қалби» деб аталган янги китобини муштарийларга туҳфа этди. Бу китоб — истиқлол даври етиштирган янги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўпгина очерк ва лавҳаларни, шунингдек, тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган иллатларни фош этувчи бир қатор фельетонларни ўз ичига олади.

М. САФАРОВ.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барча автотехникалар учун кафолат берилади.
Лизингга ҳам!
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru
Товар сертификатланган.

ТАШКИЛОТ «НИССАН» автомобилининг ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ МОДЕЛЛАРИНИ, шунингдек, Тошкентдаги омбордан барча йўлларга мўлжалланган

МАВСУМИЙ ЧЕГИРМАЛАР
«XTrail» ва «Infiniti» автомобилларини таклиф этади.
Тўлов шакли — турлича.
Автосервис хизматлари — пул ўтказиш йўли билан.
Тел.: 188-52-92.
Товар сертификатланган. МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 138-58-95.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Телефонлар: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
АККУМУЛЯТОРЛАР

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шохкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Болгариядан медаллар билан

Бокс бўйича катталар терма жамоамиз янги мавсумни муваффақиятли бошлади. Болгарияда якунланган анъанавий "Странджа кубоги" халқаро турнридан Шароф Худойбердиев бошчилигидаги спортчиларимиз медаллар шодаси билан қайтиб келишди.

Кўплаб мамлакатлардан номдор боксчилар қатнашган нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан Орзубек Шойимов, Жаҳонгир Сувонқулов ва Шерзод Абдураҳмоновлар ўз вазн тоифаларида олтин медалларни қўлга киритдилар. Жасур Матчонов кумуш медаль соҳиби бўлди. Баҳодир Султонов, Камрон Қосимов, Дилшод Маҳмудов, Алибек Крабаев ва Дилшод Обиджоновларга эса бронза медаллари насиб этди.

Ўз мухбиримиз.

«O'ZTEMIRYO'LKONTEYNER» ОАЖ
ISO 9001:2000 сифатни бошқариш тартибини киритиш бўйича консультатив хизматларни кўрсатишга танлов эълон қилади.
Ҳужжатлар эълон чоп этилгандан бошлаб 25 кун ичида қабул қилинади.
Алоқа телефонлари: тел./факс: 136-26-59, тел.: 59-67-84, 59-66-70.
Манзил: 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/11.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!
ТАШКИЛОТ — «ГАЗ» ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

Товар сертификатланган
Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 126-12-94.

ЎзРФА «Ботаника» ИИЧМ жамоаси академик Ф. Н. Русанов номли Ботаника боғи катта илмий ходими Атиргул Холмирзаевага онаси **ЖАМИЛА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.10 23456